В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ БАХТИЁР БАХРОМБЕК ЎҒЛИ

ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ЛОКАЛ ВА 2-ЛОКАЛ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШЛАРИ

01.01.06 – Алгебра

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

УДК: 512.554.38, 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ БАХТИЁР БАХРОМБЕК ЎҒЛИ

ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ЛОКАЛ ВА 2-ЛОКАЛ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШЛАРИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM230 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аюпов Шавкат Абдуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Арзикулов Фарходжон Нематжонович**
физика-математика фанлари доктори

Курбанбаев Туўелбай Кадирбаевич
физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» июл соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170 Тошкент ш., Мирзо Улиғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (+998 71) 262 7544, факс: (+998 71) 262 7357, e-mail: kengash@mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (104 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (+998 71) 262 7544).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» июл куни тарқатилди.
(2020 йил «18» июлдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н

А.Р.Хаётов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ўринбосари ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда алгебраик масалаларга, жумладан операторлар алгебралари назарияси масалаларига келтирилади. Алгебраик масалалар квант механикасида элементар зарраларни, қаттиқ ва кристаллар хоссаларини ўрганишда, иқтисодиётда моделлаштириш муаммоларини таҳлил қилишда, биологияда аҳоли сони билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда кенг тадбиқ қилинади. Маълумки, квадрат матрицалар одатий кўпайтириш амалига нисбатан ассоциатив алгебраларни ташкил қилади. Кейинчалик матрицалар алгебраларида янги амалларни аниқлаш орқали бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган алтернатив, Ли ва Йордан алгебралари назариялари яратилди ва ривожлантирилди. Ўз навбатида бу алгебралар математиканинг турли соҳалари билан хам узвий боғлиқдир. Лейбниц алгебралари Ли алгебраларининг умумлашмаси хисобланиб, Ли алгебралари назариясининг кўпгина натижалари Лейбниц алгебраларига ҳам татбиқ этилади. Лейбниц алгебралари назариясини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири Ли алгебралари назариясида ўринли бўлган хосса ва натижаларни Лейбниц алгебралари учун текширишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда жаҳонда дифференциаллашлар назарияси билан бир қаторда, оператор алгебраларида локал ва 2-локал дифференциаллашлар назарияси ҳам муҳим ҳисобланади. Сўнгги йигирма йил давомида фон Нейман алгебралари, $C*$-алгебралари ва $JB*$-учликларда локал ва 2-локал дифференциаллашлар назариясини ўрганиш бўйича самарали натижаларга эришилди. Локал дифференциаллашларни ўрганиш 1990 йилда Р.В.Кадисон ва Д.Р.Ларсон, ҳамда А.Р.Сарурлар томонидан бошланган. Локал дифференциаллашларни ўрганишга бўлган қизиқиш турли хил алгебралар учун Хохшилд когомологиясини ўрганиш орқали ҳам пайдо бўлган. Р.В.Кадисон локал акслантиришлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган дифференциаллашларни қуришда фойдали бўлиши мумкинлигини кўрсатиб, уларни ўрганиш усулларини яратган. Жумладан, фон Нейман алгебрасининг қўшма Банах M-бимодули учун ҳар бир локал дифференциаллаш оддий маънода дифференциаллаш эканлигини исботлаган. Бу натижани Б.Е.Джонсон $C*$-алгебрадаги дифференциаллашларни ўрганишга тадбиқ қилиб, $C*$-алгебранинг ихтиёрий узлуксиз локал дифференциаллашлари оддий маънода дифференциаллаш эканлиги исботлаган. Шунингдек, Б.Е.Джонсон томонидан $C*$-алгебрадаги ихтиёрий локал дифференциаллашлар узлуксиз бўлиши исботланган. 1997 йилда П.Шемрл 2-локал автоморфизм ва 2-локал дифференциаллаш тушунчаларини киритди ва у $B(H)$ - чексиз ўлчамли сепарабел H Гилберт фазосида барча чегараланган чизиқли операторлар алгебрасида ҳар бир 2-локал автоморфизм(мос равишда, 2-локал дифференциаллаш) автоморфизм(мос равишда, дифференциаллаш) бўлишини исботлади. Таъкидлаш жоизки, П.Шемрл юқоридаги теоремани H фазо чекли ўлчамли бўлганда ҳам ўринли бўлишини таъкидлаган. Кейинчалик фон Нейман алгебралари учун 2-локал дифференциаллашларни Ш.А.Аюпов, К.К.Кудайбергенов, Ф.Н.Арзикулов, С.О.Ким, Ж.С.Ким, О.Б.Нуржанов ва А.К.Алаудиновлар ўрганишган. Ноассоциатов алгебралар жумладан, Лейбниц алгебралари учун локал ва 2-локал дифференциаллашларни ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бири хисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган амалий математика, информатика, рақамли иқтисодиёт фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, ноассоциатив алгебралар ва уларнинг операторларига доир фундаментал тадқиқотларнинг ривожланишига хам алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал тадқиқотлар доирасида Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашларини ўрганиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган[1] қарор ижросини таъминлашда хам операторлар алгебралари дифференциаллашлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387 «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда классик тизимларнинг ассоциатив бўлмаган аналоглари математика ва физиканинг кўплаб соҳаларида қўлланилиб келмоқда. Ли ва Лейбниц алгебралари каби баъзи ноассоциатив алгебралар учун локал операторлар, хусусан локал ва 2-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

локал дифференциаллашлар тушунчалари ҳам кенг ўрганила бошлади. Ушбу тушунчаларга алоқадор асосий муаммолар ҳар бир локал (ёки 2-локал) автоморфизм ва дифференциаллаш оддий маънода автоморфизм ва дифференциаллаш бўладиган шартларни топиш, шунингдек, автоморфизм бўлмаган (мос равишда дифференциаллаш) локал ва 2-локал автоморфизмга эга алгебралар синфларини аниқлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ноассоциатив алгебралар учун локал акслантиришларни ўрганиш, 2014 йилдаги Калифорния штатида бўлиб ўтган АҚШ-Ўзбекистон конференциясидаги профессор Ш.А.Аюпов ва профессор Е.Зелмановлар (Калифорния университети, Сан-Диего) ўртасидаги сухбатдан сўнг бошланган.

Характеристикаси нолга тенг алгебраик ёпиқ майдон устида чекли ўлчамли Ли алгебраларида локал ва 2-локал дифференциаллашлар ва автоморфизмга оид юртимизда бир қатор илмий изланишлар олиб борилиб, дастлабки натижалар Ш.А.Аюпов, К.К.Кудайбергенов, И.С.Рахимовларга тегишлидир. Улар томонидан ярим содда Ли алгебрасидаги ҳар бир 2-локал дифференциаллаш оддий маънода дифференциаллаш эканлиги ва ўлчами иккидан катта ихтиёрий нилпотент Ли алгебрасида дифференциаллаш бўлмаган 2-локал дифференциаллаш мавжудлигини исботланган. Кейинчалик Ш.А.Аюпов ва К.К.Кудайбергеновлар ярим содда Ли алгебраларидаги ҳар бир локал дифференциаллаш хам оддий маънода дифференциаллаш эканлигини исботладилар ва дифференциаллаш бўлмаган локал дифференциаллаши мавжуд бўлган чекли ўлчамли нильпотент Ли алгебраларига мисоллар келтирдилар. Содда Ли алгебралар учун 2-локал автоморфизмлар З.Чен ва Д. Ванглар томонидан ўрганила бошланиб, улар томонидан A_l, D_l ёки $E_k, (k = 6,7,8)$ алгебралар учун ҳар қандай 2-локал автоморфизм автоморфизм эканлиги исботланган. Кейинчалик, Ш.А.Аюпов ва К.К.Кудайбергеновлар томонидан ушбу натижа умумлаштирилиб, характеристикаси нол бўлган алгебраик ёпиқ майдон устуда берилган ихтиёрий чекли ўлчамли ярим содда Ли алгебрасининг ҳар қандай 2-локал автоморфизми автоморфизм эканлигини исботланди. Бундан ташқари, ихтиёрий чекли ўлчамли нильпотент Ли алгебрасида автоморфизм бўлмаган 2-локал автоморфизм мавжудлигини кўрсатилди. Ш.А.Аюпов ва К.К.Кудайбергеновлар баъзи чекли ўлчамли содда Ли ва Лейбниц алгебраларининг локал автоморфизмларини ўрганганлар.

Ноассоциатив алгебраларда локал ва 2-локал дифференциаллашлар ва автоморфизмларни ўрганиш бўйича жаҳон миқёсида хам бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Т.Бекер, Ж.Эскобар, С.Салас ва Р.Турдибаевлар уч ўлчамли содда Ли алгебрасининг локал автоморфизмлари тўплами автоморфизмлар ва анти-автоморфизмлар группаси билан усма-уст тушишини кўрсатишган бўлса, кейинчалик, М.Костантини ихтиёрий содда Ли алгебрасидаги чизиқли акслантириш локал автоморфизм бўлиши учун унинг автоморфизм ёки анти-автоморфизм бўлиши зарур ва етарли эканлигини исботлади. Ли супералгебраларидаги локал ва 2-локал автоморфизмлар ва дифференциаллашларга доир натижаларни Х.Чен, Й.Ванг ва Ж.Нанларнинг ишларида кўриш мумкин. Ш.А.Аюпов, К.К.Кудайбергенов ва Б.А.Омировлар содда Лейбниц алгебраларида локал ва 2-локал дифференциаллаш ва автоморфизмларни ўрганиб, Ли алгебраларидаги каби натижаларни исботладилар. Қайд этиш жоизки, нильпотент, ечилувчан Лейбниц алгебралари ва чексиз ўлчамли Ли алгебралари учун локал ва 2-локал дифференциаллашлар муаммоси шу пайтгача очиқ муаммо ҳисобланар эди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-31 “Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар” (2017-2020 йиллар) ва В.И.Романовский номидаги Математика институтининг “YoOT-Ftex-2018-79, Лейбниц алгебраларининг тасвирлари” (2018-2019 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чекли ўлчамли нилпотент Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашларини ўрганиш;

чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашларини тасвирлаш;

чексиз ўлчамли Ли алгебраларда 2-локал дифференциаллашларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашлари, чексиз ўлчамли Ли алгебраларининг 2-локал дифференциаллашлари.

Тадқиқотнинг предмети нилпотент Лейбниц алгебралари, ечилувчан Лейбниц алгебралари, умумлашган Витт алгебралари, Вирасоро алгебраси, дифференциаллаш, локал дифференциаллаш, 2-локал дифференциаллаш.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертацияда ассоциатив бўлмаган алгебралар назарияси усуллари, инвариантлар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нол-филиформ Лейбниц алгебрасида ҳар бир 2-локал дифференциаллаш оддий маънода дифференциаллаш эканлиги исботланган;

p-филиформ Лейбниц алгебрасида дифференциаллаш бўлмагал локал ва 2-локал дифференциаллаш мавжудлиги кўрсатилган;

ечилувчан Лейбниц алгебраларининг локал дифференциаллашлари ўрганилган ва нилрадикали Абел алгебрасидан иборат бўлиб, тўлдирувчи фазонинг ўлчами максимал бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларида ҳар қандай локал дифференциаллаш дифференциаллаш эканлиги кўрсатилган;

нилрадикали модел алгебраси бўлиб, максимал тўлдирувчи фазога эга ечилувчан Лейбниц алгебраларида ҳар қандай локал ва 2-локал дифференциаллаш дифференциаллаш эканлиги кўрсатилган;

умумлашган Витт алгебралари ва Вирасоро алгебраларида ҳар қандай 2-локал дифференциаллаш дифференциаллаш эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Лейбниц алгебраларида локал, 2-локал диффернциаллашлар ва дифференциаллашлар ўртасида ўзаро боғлиқлик ўрнатилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижалар алгебра, дифференциаллашлар назарияси ва математик фикрлашнинг қатъий усулларидан фойдаланган ҳолда олинган. Олинган натижаларнинг исботлари математик жиҳатдан тўғри.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, локал ва 2-локал дифференциаллашлар фазосининг баъзи Лейбниц алгебраларининг глобал диффернциаллашлар фазоси билан мослигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нилпотент Лейбниц алгебраларида дифференциаллаш бўлмаган локал ва 2-локал дифференциаллашлар мавжудлигини кўрсатишдан иборат. Диссертацияда олинган натижалардан Лейбниц алгебраларини дифференциаллашлари назариясида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган натижалар қуйидаги илмий лойиҳаларида фойдаланилган:

Витт алгебрасининг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлиши ҳақидаги натижа ОТ-4-27 «Йордан учликлари олд қўшма фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» лойиҳасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2339-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши AW^*-алгебраларининг 2-локал автоморфизмлари аниқлаш имконини берган;

ечилувчан Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашлари таснифлари бўйича олинган натижалар ОТ-Ф4-82 + ОТ-Ф4-87 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларнинг локал диффереациаллашлари ва автоморфизмлари, чизиқли бўлмаган динамик системада фазовий ўтиш ва тартибсизликлар» + «Евклид ва псевда-Евклид фазолардаги глобал эгри чизиқлар ва сиртларнинг инвариантлари назарияси ва унинг механикада қўлланилиши» лойиҳасида қўлланилиб (Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг 2020 йил 3 июлдаги 2/1255-1389-сон маълумотномаси). Натижалар ярим содда Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал автоморфизмларини тавсифлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий, 5 таси республика журналларида ва 14 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг умумий ҳажми 82 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нилпотент Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашлари”** деб номланувчи биринчи бобида диссертация ишини мазмунини ёритиш ва мавзуни тадқиқ этиш учун зарур бўлган муҳим тушунчалар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси доирасидаги тадқиқотлар бошлангунга қадар шу соҳада тадқиқ этилган ишлар ва олинган натижалар шарҳи батафсил келтириб ўтилган.

Таъриф 1. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган $\mathcal{L}$ алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[x,[y,z]]=[[x,y],z]-[[x,z],y],$$

$\mathcal{L}$ алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – $\mathcal{L}$ алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

Таъкидлаш жоизки, ушбу таърифда келтирилган алгебра ўнг Лейбниц алгебраси бўлиб, унга симметрик бўлган чап Лейбниц алгебраси қуйидаги айнияти орқали аниқланади:

$$[[x,y],z]=[x,[y,z]]-[y,[x,z]].$$

Чап ва ўнг Лейбниц алгебралари симметрик хоссаларга эга бўлганликлари учун улардан биттасини қараш етарли. Биз ушбу ишда ўнг Лейбниц алгебрасини қараймиз.

Сўнгги йигирма беш йил давомида чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг таснифи ва структуравий назариясига бағишланган бир қанча илмий ишлар чоп этилди. Бу ишларда Ли алгебраларидаги кўплаб натижалар ва теоремалар Лейбниц алгебралари учун кенгайтирилди.

Ихтиёрий $\mathcal{L}$ Лейбниц алгебраси учун қуйидаги қуйи марказий ва ҳосилавий кетма-кетликларни қараймиз:

$$\mathcal{L}^1=\mathcal{L}, \quad \mathcal{L}^{k+1}=[\mathcal{L}^k,\mathcal{L}^1], \quad k\geq 1,$$

$$\mathcal{L}^{[1]}=\mathcal{L}, \quad \mathcal{L}^{[s+1]}=[\mathcal{L}^{[s]},\mathcal{L}^{[s]}], \quad s\geq 1.$$

Таьриф 2. Лейбниц алгебраси учун шундай $p\in\mathbb{N}$ $(q\in\mathbb{N})$ сон мавжуд бўлиб, $\mathcal{L}^p=0$(мос равишда, $\mathcal{L}^{[q]}=0$) бўлса у ҳолда $\mathcal{L}$ нилпотент(мос равишда, ечилувчан) Лейбниц алгебраси дейилади. Ана шундай хусусиятга эга бўлган минимал p (мос равишда, q) сони $\mathcal{L}$ алгебранинг нилпотентлик (мос равишда, ечилувчанлик) индекси дейилади.

Ихтиёрий $\mathcal{L}$ Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан(нилпотент) идеали унинг радикали(нилрадикали) дейилади.

Таъриф 3. $\mathcal{L}$ нилпотент Лейбниц алгебраси берилган бўлсин, $\mathcal{L}_i=\mathcal{L}^i/\mathcal{L}^{i+1}, 1\leq i\leq n-1$ ва $gr(\mathcal{L})=\mathcal{L}_1\oplus\mathcal{L}_2\oplus\ldots\oplus\mathcal{L}_{n-1}$ белгилаб оламиз. У ҳолда $[\mathcal{L}_i,\mathcal{L}_j]\subseteq\mathcal{L}_{i+j}$ бўлиб, $gr(\mathcal{L})$ градуирланган алгебра бўлади. Агар $gr(\mathcal{L})$ ва $\mathcal{L}$ изоморф бўлса, у ҳолда $\mathcal{L}$ алгебра табий усулда градуирланган алгебра дейилади.

Таъриф 4. $\mathcal{L}$ Лейбниц алгебрасида $D:\mathcal{L}\rightarrow\mathcal{L}$ чизиқли акслантириш қуйидаги Лейбниц қоидасини қаноатлантирса:

$$D([x,y])=[D(x),y]+[x,D(y)] \quad \forall x,y\in\mathcal{L}$$

у ҳолда ушбу акслантиришга дифференциаллаш дейилади.

$\mathcal{L}$ Лейбниц алгебрасидаги барча дифференциаллашлар тўплами $Der(\mathcal{L})$ каби белгиланади.

$\mathcal{L}$ Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий $a\in\mathcal{L}$ элементи учун $R_a:\mathcal{L}\rightarrow\mathcal{L}$, $R_a(x)=[x,a]$ ўнгдан кўпайтириш операторини аниқлаймиз. Маълумки R_a оператор дифференциаллаш бўлиб, бундай дифференциаллашларни ички дифференциаллаш деб аталади.

Таъриф 5. Δ чизиқли акслантириш бўлиб алгебранинг ихиёрий $x\in\mathcal{L}$ элементи учун шундай $D_x:\mathcal{L}\rightarrow\mathcal{L}$ (x га боғлиқ холда) дифференциаллаш топилиб $\Delta(x)=D_x(x)$ тенглик бажарилса, у ҳолда Δ акслантиришга локал дифференциаллаш дейилади.

$\mathcal{L}$ даги барча локал дифференциаллашлар тўпламини $LocDer(\mathcal{L})$ билан белгилаймиз.

Таъриф 6. $\nabla:\mathcal{L}\rightarrow\mathcal{L}$ (чизиқли бўлиши шарт эмас) акслантириш бўлиб алгебранинг ихиёрий $x,y\in\mathcal{L}$ элементлари учун шундай $D_{x,y}\in Der(\mathcal{L})$ дифференциаллаш топилиб

$$\nabla(x)=D_{x,y}(x), \quad \nabla(y)=D_{x,y}(y)$$

тенгликлар бажарилса, у ҳолда ∇ акслантиришга 2-локал дифференциаллаш дейилади.

$\mathcal{L}$ даги барча 2-локал дифференциаллашлар тўпламини $TLocDer(\mathcal{L})$ билан белгилаймиз.

Равшанки, Лейбниц алгебрасида ҳар бир дифференциаллаш(мос равишда, автоморфизм) локал дифференциаллаш(мос равишда, локал автоморфизм) ва 2-локал дифференциаллаш(мос равишда, 2-локал автоморфизм) бўлади.

Энди биз муҳим инвариантлардан бири бўлган характеристик кетма-кетлик тушунчасини киритамиз. Бизга N – чекли ўлчамли нилпотент Лейбниц алгебраси берилган бўлсин. Бу алгебрадага ихтиёрий R_x чизиқли акслантиришнинг Жордан матрицаси блокларининг ўлчамларини камайиш тартибида ёзилишидан ҳосил бўлган $C(x)$ кетма-кетликни аниқлаб, $C(N)=\{C(x)\,|\,x\in N\}$ тўпламда лексикографик тартиб киритамиз.

Таьриф 7. Қуйидаги кетма-кетлик

$$\left(\max_{x\in N\setminus N^2} C(x)\right)$$

берилган нилпотент Лейбниц алгебрасининг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

Таьриф 8. Характеристик кетма-кетлиги $C(\mathcal{L})=(n-p,\underbrace{1,1,\ldots,1}_{p})$ бўлган Лейбниц алгебраси $p-$филиформ Лейбниц алгебраси дейилади.

$p=0$ бўлган ҳолда, $\mathcal{L}$ алгебрани нол-филиформ алгебра $p=1$ бўлганда филиформ алгебраси деб аталади.

Биз биринчи бобнинг иккинчи параграфида нол-филиформ ва филиформ Лейбниц алгебраларнинг локал ва 2-локал дифференциаллашларини ўрганамиз. Маълумки, ихтиёрий n-ўлчамли нол-филиформ Лейбниц алгебрасида шундай $\{e_1,e_2,\ldots,e_n\}$ базис мавжудки, бу базисда алгебранинг кўпайтмаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$NF_n:[e_i,e_1]=e_{i+1}\quad 1\le i\le n-1,$$

бу ерда қатнашмаган кўпайтмалар нолга тенг.

NF_n алгебранинг дифференциаллашларининг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$D(e_i)=i\alpha_1 e_i+\sum_{j=i+1}^{n}\alpha_{j-i+1}e_j,\quad 1\le i\le n. \qquad (1)$$

Қуйидаги теоремада биз нол-филиформ Лейбниц алгебрасининг локал дифференциаллашини таснифлаймиз.

Теорема 1. Нол-филиформ Лейбниц алгебрасидаги Δ чизиқли акслантириш локал дифференциаллаш бўлиши учун унинг кўриниши қуйидагича бўлиши зарур ва етарли:

$$\Delta(e_i)\ =\sum_{j=i}^{n}\gamma_{j,i}e_j,\quad 1\le i\le n. \qquad (2)$$

(1) ва (2) муносабатлардан $\dim(Der(NF_n))=n$ ва $\dim(LocDer(NF_n))=\dfrac{n(n+1)}{2}$ эканлиги келиб чиқади. Бу тенгликлардан нол-филиформ Лейбниц алгебрасининг локал дифференциаллашлар фазоси дифференциаллашлар фазосидан анча катта эканлиги келиб чиқади, яъни NF_n да дифференциаллаш бўлмаган локал дифференциаллашлар мавжуд.

Қуйидаги теоремада нол-филиформ Лейбниц алгебрасининг 2-локал дифференциаллашлари ҳақидаги натижани келтирамиз.

Теорема 2. Нол-филиформ Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Энди биз табиий усулда градуирланган филиформ Лейбниц алгебрасидаги 2-локал дифференциаллашни кўриб чиқамиз. Маълумки ихтиёрий n-ўлчамли комплекс табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф:

$$F_n^1 : [e_1, e_1] = e_3, \quad [e_i, e_1] = e_{i+1}, \quad 2 \le i \le n-1;$$

$$F_n^2 : [e_1, e_1] = e_3, \quad [e_i, e_1] = e_{i+1}, \quad 3 \le i \le n-1.$$

Теорема 3. F_n^1 ва F_n^2 алгебраларда дифференциаллаш бўлмаган 2-локал дифференциаллашлар мавжуд.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида p-филиформ Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашларини ўрганилган. Иҳтиёрий Ли бўлмаган, ёйилмайдиган ва табиий усулда градуирланган p-филиформ Лейбниц алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф эканлиги маълум $(n - p \ge 4)$:

агар $p = 2k$, у ҳолда

$$\mu_1 : \begin{cases} [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 1 \le i \le n-2k-1 \\ [e_1, f_j] = f_{k+j}, & 1 \le j \le k, \end{cases}$$

$$\mu_2 : \begin{cases} [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 1 \le i \le n-2k-1, \\ [e_1, f_1] = e_2 + f_{k+1}, & \\ [e_i, f_1] = e_{i+1}, & 2 \le i \le n-2k-1, \\ [e_1, f_j] = f_{k+j} & 2 \le j \le k, \end{cases}$$

агар $p = 2k+1$, у ҳолда

$$\mu_3 : \begin{cases} [e_1, e_1] = e_3, & \\ [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 1 \le i \le n-2k-1, \\ [e_1, f_j] = f_{k+j}, & 1 \le j \le k, \\ [e_2, f_j] = f_{k+j} & 1 \le j \le k, \end{cases}$$

бу ерда $\{e_1, e_2, \dots, e_{n-p}, f_1, f_2, \dots, f_p\}$ алгебранинг базиси ва иштирок этмаган кўпайтмалар нолга тенг.

Изоҳ 1. μ_1, μ_2 ва μ_3 алгебраларнинг дифференциаллашлари фазосининг ўлчами

$$\dim Der(\mu_1) = n + 2k^2 + k,$$

$$\dim Der(\mu_2) = n + 2k^2 + 1,$$

$$\dim Der(\mu_3) = n + 2k^2 + 2k + 1,$$

бу ерда $k \in \mathbb{N}$ ва $n \ge 2k+4$.

Қуйидаги теоремада μ_1 алгебранинг локал дифференциаллашларининг таснифини келтирамиз.

Теорема 4. μ_1 алгебрадаги Δ чизиқли акслантириш локал дифференциаллаш бўлиши учун унинг матритцаси қуйидаги кўринишда бўлиши зарур ва етарли:

$$\Delta = \begin{pmatrix} \Delta_{1,1} & \Delta_{1,2} \\ \Delta_{2,1} & \Delta_{2,2} \end{pmatrix},$$

бу ерда

$$\Delta_{1,1} = \sum_{j=1}^{n-2k}\sum_{i=j}^{n-2k}\gamma_{i,j}e_{i,j}, \quad \Delta_{2,1} = \sum_{i=n-2k+1}^{n}\gamma_{i,1}e_{i,1} + \sum_{i=n-k+1}^{n}\gamma_{i+1,2}e_{i+1,2},$$

$$\Delta_{1,2} = \sum_{i=n-2k+1}^{n-k}\gamma_{n-2k,i}e_{n-2k,i},$$

$$\Delta_{2,2} = \begin{pmatrix} \Delta_{2,2}^{(1)} & 0 \\ \Delta_{2,2}^{(2)} & \Delta_{2,2}^{(3)} \end{pmatrix},$$

$$\Delta_{2,2}^{(1)} = \sum_{j=n-2k+1}^{n-k}\sum_{j=n-2k+1}^{n-k}\gamma_{i,j}e_{i,j}, \quad \Delta_{2,2}^{(2)} = \sum_{j=n-2k+1}^{n-k}\sum_{j=n-k+1}^{n}\gamma_{i,j}e_{i,j},$$

$$\Delta_{2,2}^{(3)} = \sum_{j=n-k+1}^{n}\sum_{j=n-k+1}^{n}\gamma_{i,j}e_{i,j}.$$

Изоҳ 2. μ_1, μ_2 ва μ_3 алгебраларнинг локал дифференциаллашларининг фазосининг ўлчами

$$\dim LocDer(\mu_1) = \frac{n^2+10k^2-4kn+n+6k}{2},$$

$$\dim LocDer(\mu_2) = \frac{n^2+10k^2-4kn+n+2k+4}{2},$$

$$\dim LocDer(\mu_3) = \frac{n^2+10k^2-4kn-n+12k+4}{2},$$

бу ерда $k \in \mathbb{N}$ ва $n \geq 2k+4$.

1- ва 2-изоҳлар шуни кўрсатадики, μ_1, μ_2 ва μ_3 алгебраларнинг локал дифференциаллашлар фазосларининг ўлчамлари дифференциаллашлар фазосларининг ўлчамларидан каттароқдир. Шунинг учун, биз қуйидаги натижага эга бўламиз.

Натижа 1. μ_1, μ_2 ва μ_3 алгебраларнинг дифференциаллаш бўлмайдиган локал дифференциаллашлари мавжуд.

Бундан ташқари ушбу теоремада p-филиформ Лейбниц алгебраларининг 2-локал дифференциаллашлари хақидаги натижа келтирилган.

Теорема 5. μ_1, μ_2 ва μ_3 алгебраларнинг дифференциаллаш бўлмайдиган 2-локал дифференциаллашлари мавжуд.

Диссертациянинг **“Ечилувчан Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашлари”** деб номланувчи иккинчи бобида, нилрадикаллари Абел ёки модел алгебралардан иборат бўлган ечилувчан

Лейбниц алгебраларининг локал ва 2-локал дифференциаллашлари ўрганилган.

Айтайлик a_n – n-ўлчамли Абел алгебраси, R эса нилрадикали a_n бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. Маълумки, $\dim R \le 2n$ тенгсизлик ўринли. Ж.Қ.Адашев ва бошқалар томонидан бунда $\dim R = 2n$ шартни қаноатлантирувчи ечилувчан Лейбниц алгебралари тўлиқ таснифланган ва бундай алгебралар икки ўлчавли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тўғри йиғиндисига изоморф эканлиги исботланган, яъни бундай алгебраларда кўпайтма қуйидагича бўлади:

$$\mathcal{L}_t : [f_j, x_j] = f_j, \quad [x_j, f_j] = \alpha_j f_j, \quad 1 \le j \le n,$$

бу ерда $\alpha_j \in \{-1, 0\}$ ва t эса нолга тенг бўлган параметрлар сони.

Бундан ташқари, қуйидаги теоремада $\dim R = n+1$ бўлган холда ечилувчан Лейбниц алгебраларининг баъзи синфлари таснифи келтирилган.

Теорема 6. Айтайлик R нилрадикали n-ўлчамли Абел алгебрасидан иборат бўлган $(n+1)$-ўламли ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар R даги $\{f_1, f_2, \ldots, f_n, x\}$ базис учун $ad_x|_{a_n}$ оператор Жордан формаси битта блокдан иборат бўлса, у ҳолда R қуйидаги иккита ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$R_1 : \begin{cases} [f_i, x] = f_i + f_{i+1}, & 1 \le i \le n-1, \\ [f_n, x] = f_n, \end{cases}$$

$$R_2 : \begin{cases} [f_i, x] = f_i + f_{i+1}, & 1 \le i \le n-1 \\ [f_n, x] = f_m, \\ [x, f_i] = -f_i - f_{i+1}, & 1 \le i \le -1, \\ [x, f_n] = -f_n. \end{cases}$$

Қуйидаги тасдиқларда, биз $\mathcal{L}_t$, R_1 ва R_2 алгебраларнинг диифференциаллашларининг умумий кўринишини келтирамиз.

Тасдиқ 1. $\mathcal{L}_t$ алгебранинг ихтиёрий диифференциаллаши қуйидаги кўринишда бўлади:

$$D(f_j) = a_j f_j, \quad D(x_j) = \alpha_j b_j f_j, \quad 1 \le j \le n,$$

Тасдиқ 2. R_1 ва R_2 алгебраларнинг ихтиёрий диифференциаллаши қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Der(R_1) : D(f_i) = \sum_{j=i+1}^{n} \alpha_{j-i+1} f_j + \alpha_1 f_i.$$

$$Der(R_2) : \begin{cases} D(f_i) & = \sum\limits_{j=i+1}^{n} \alpha_{j-i+1} f_j + \alpha_1 f_i, \quad 1 \le i \le n, \\ D(x) & = \sum\limits_{j=1}^{n} \beta_j f_j. \end{cases}$$

Энди биз $\mathcal{L}_t$, R_1 ва R_2 алгебраларнинг локал диифференциаллашлари ҳақидаги натижаларни келтирамиз.

Теорема 7. $\mathcal{L}_t$ алгебранинг ихтиёрий локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Теорема 8. R_1 ва R_2 алгебраларда диифференциаллаш бўлмаган локал дифференциаллашлар мажуд.

Энди биз нилрадикали Абел бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг 2-локал диифференциаллашлари ҳақидаги натижаларни келтирамиз.

Теорема 9. $\mathcal{L}_t$ алгебрада диифференциаллаш бўлмаган 2-локал диифференциаллаш мажуд.

Тасдиқ 3. R_1 алгебранинг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши диифференциаллаш бўлади.

Теорема 10. R_2 ечилувчан Лейбниц алгебрасида дифференциаллаш бўлмаган 2-локал дифференциаллаш мажуд.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида биз $R(N_{m_1,\ldots,m_s},s)$ ечилувчан Лейбниц алгебраларида локал ва 2-локал диифференциаллашларни ўрганамиз.

Характеристик кетма-кетлиги $(m_1,\ldots,m_s)$ бўлган қуйидаги нилпотент Лейбниц алгебрасини қараймиз:

$$N_{m_1,\ldots,m_s}:[e_i^t,e_1^1]=e_{i+1}^t,\ 1\le t\le s,1\le i\le m_t-1.$$

$N_{m_1,\ldots,m_s}$ алгебра одатда модел Лейбниц алгебраси деб аталади.

Теорема 11. Айтайлик R нилрадикали $N_{m_1,\ldots,m_s}$ ва $\dim R-\dim N_{m_1,\ldots,m_s}=s$ шартни қаноатлантирувчи ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин, у холда R қуйидаги алгебрага изоморф бўлади:

$$R(N_{m_1,\ldots,m_s},s):\begin{cases}[e_i^t,e_1^1]=e_{i+1}^t, & 1\le t\le s, \quad 1\le i\le m_t-1,\\ [e_i^1,x_1]=ie_i^1, & 1\le i\le m_1,\\ [e_i^t,x_1]=(i-1)e_i^t, & 2\le t\le s, \quad 2\le i\le m_t,\\ [e_i^t,x_t]=e_i^t, & 2\le t\le s, \quad 1\le i\le m_t,\\ [x_1,e_1^1]=-e_1^1,\end{cases}$$

бу ерда $\{x_1,\ldots x_s\}$лар тўлдирувси фазонинг базислари.

Тасдиқ 4. $Der(R(N_{m_1,\ldots,m_s},s))$ алгебранинг дифференциаллашларининг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}
&D(e_i^1)=i\alpha_1e_i^1+\alpha_2e_{i+1}^1, && 1\le i\le m_1-1,\\
&D(e_{m_1}^1)=m_1\alpha_1e_{m_1}^1,\\
&D(e_i^t)=((i-1)\alpha_1+\beta_t)e_i^t+\alpha_2e_{i+1}^t, && 2\le t\le s,\ \ 1\le i\le m_t-1,\\
&D(e_{m_1}^t)=((m_t-1)\alpha_1+\beta_t)e_{m_1}^1, && 2\le t\le s,\\
&D(x_1)=-\alpha_2e_1^1.
\end{aligned}$$

Изоҳ 3. $R(N_{m_1,\ldots,m_s},s)$ ечилувчан Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий дифференциаллаши ички дифференциаллаш бўлади.

Теорема 12. $R(N_{m_1,\dots,m_s},s)$ ечилувчан Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Теорема 13. $R(N_{m_1,\dots,m_s},s)$ ечилувчан Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Чексиз ўлчамли Ли алгебраларининг 2-локал дифференциаллашлари”** деб номланиб, биз ушбу бобда умумлашган Витт, Вирасоро ва “юпқа” алгебраларининг 2-локал дифференциаллашларини ўрганамиз.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида характеристикаси нол бўлган алгебраик ёпиқ майдон устида аниқланган умумлашган Витт алгебралари 2-локал дифференциаллашларини ўрганилган.

Айтайлик $\mathcal{A}$ Абел группаси, $\mathbb{F}$ эса нол характеристикали майдон ва T ушбу майдон устидаги вектор фазо бўлсин. $\mathcal{A}$ группасининг $\mathbb{F}$ майдон устидаги $t^J, J\in\mathcal{A}$ шаклдаги элементлари орқали ҳосил қилинган группавий алгебраси $\mathbb{F}\mathcal{A}$ даги кўпайтма $t^Jt^K=t^{J+K}$ орқали аниқланади. $\mathbb{F}\mathcal{A}$ алгебранинг бирлик елементи бу t^0.

Ушбу тензор кўпайтмани қарайлик

$$W=\mathbb{F}\mathcal{A}\otimes_{\mathbb{F}}T=span_{\mathbb{F}}\left\{t^J\otimes\partial : J\in\mathcal{A},\partial\in T\right\}.$$

W нинг элементлари $t^J\otimes\partial:=t^J\partial$ кўринишда белгиланади. Агар $(\partial,J)\to\partial(J):T\otimes A\to\mathbb{F}$ акслантириши биринчи ўзгарувчи бўйича $\mathbb{F}$-чизиқли бўлиб, иккинчи ўзгарувчи бўйича аддитив бўлса, у ҳолда

$$\left[t^J\partial_1,t^K\partial_2\right]:=t^{J+K}\left(\partial_1(K)\partial_2-\partial_2(J)\partial_1\right),\, J,\,K\in\mathcal{A},\,\partial_1,\,\partial_2\in T \tag{3}$$

шаклдаги кўпайтма чексиз ўлчамли Ли алгебрасини аниқлайди. (3) кўпайтмали W Ли алгебраси $\mathcal{A}$ Абел группа орқали градиурланган T вектор фазо устидаги умумлашган Витт алгебраси дейилади.

Агар $\mathcal{A}=\mathbb{Z}^n$ аддитив группаси бўлса, у ҳолда $\mathbb{F}\mathcal{A}$ группавий алгебра $\mathbb{F}$ майдон устидаги $\mathbb{F}[t_1^{\pm1},\dots,t_n^{\pm1}]$ Лоран кўпҳадлари алгебрасига изоморф бўлади. $J=\left(j_1,\dots,j_n\right)\in\mathbb{Z}^n$ n-жуфтлик учун биз қуйидагини ёзамиз $t^J=t_1^{j_1}\cdots t_n^{j_n}$. Айтайлик T бу $\partial_i=t^i\dfrac{\partial}{\partial t_i}$ операторларнинг $T=\bigoplus\limits_{i=1}^{n}\mathbb{F}\partial_i$ чизиқли қобиги бўлсин. Агар $(\partial,J)\to\partial(J):T\otimes\mathcal{A}\to\mathbb{F}$ акслантириш $\partial_i(J)=j_i$ тенгликни қаноатлантирса, у ҳолда унга мос $W=W_n(\mathbb{F})$ умумлашган Wитт алгебраси $\mathbb{F}$ майдон устидаги $\mathbb{F}[t_1^{\pm1},\dots,t_n^{\pm1}]$ Лоран кўпҳадлари алгебрасининг дифференциаллашларининг $Der_{\mathbb{F}}\left(\mathbb{F}[t_1^{\pm1},\dots,t_n^{\pm1}]\right)$ Ли алгебраси каби аниқланиб, бу алгебра Лоран кўпҳадлари вектор майдонларидан иборат

$$w(J;i)=w(j_1,\dots,j_n;i)=t_1^{j_1}\cdots t_n^{j_n}\frac{\partial}{\partial t_i},$$

бу ерда $(t_1,\dots,t_n)\in\mathbb{F}^n$ эса $\mathbb{F}^n$ нинг каноник координаталари. Лоран кўпҳадлари вектор майдонларининг $W_n(\mathbb{F})$ Ли алгебрасига изоморф бўлган

Ли алгебра $\mathbb{F}^n$ вектор фазо устидаги Витт алгебраси дейилади. $W_n(\mathbb{F})$ Ли алгебраси $\{w(\mathbf{a},i):\mathbf{a}\in\mathbb{Z}^n, i\in I\}$ шаклдаги базисга эга бўлиб, бу базис учун (3) кўпайтма қоидаси қуйидагича ёзилади

$$\left[w(\mathbf{a},i),w(\mathbf{b},j)\right]=\mathbf{a}_j w(\mathbf{a}+\mathbf{b},i)-\mathbf{b}_i w(\mathbf{a}+\mathbf{b},j), \qquad (4)$$

бу ерда $i,j\in I$ ва $\mathbf{a}=(\mathbf{a}_i),\mathbf{b}=(\mathbf{b}_i)\in\mathbb{Z}^n$.

Теорема 14. $W_n(\mathbb{F})$ алгебранинг ихтиёрий ∇ 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Энди нол характеристикали алгебраик ёпиқ $\mathbb{F}$ майдон устидаги $W=W(G,I)$ умумлашган Витт алгебрасининг 2-локал дифференциаллашларни қараймиз, бу ерда I чексиз индекслар тўплами ва $G=\bigoplus_{i\in I}\mathbb{Z}=\left\{\mathbf{a}=(\mathbf{a}_i)_{i\in I}:\mathbf{a}_i=0 \text{ чекли сондаги индекслар учун } i\in I\right\}$.

Таъкидлаш жоизки, $W(G,I)$ Ли алгебраси $\{w(\mathbf{a},i):\mathbf{a}\in G, i\in I\}$ шаклдаги базисга эга ва $W(G,I)$ да кўпайтириш қоидаси худди (4) кабидир.

Теорема 15. $W(G,I)$ алгебранинг ихтиёрий ∇ 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Нихоят нол характеристикали алгебраик ёпиқ $\mathbb{F}$ майдон устидаги $W=W(G,I)$ умумлашган Витт алгебрасини Борел қисм-алгебраларининг 2-локал дифференциаллашларни ўрганамиз.

Айтайлик $\mathbb{Z}_+$ манфий бўлмаган бутун сонлар тўплами бўлсин. Қуйидагича белгилаш киритамиз

$$B(\mathbb{Z}^n,I)=span\left\{w(a,i):\mathbf{a}\in\mathbb{Z}_+^n\right\}.$$

Биз $W_n(\mathbb{F})$ алгебранинг стандарт Борел қисмалгебраси деб номланувчи алгебрани оламиз. $B(\mathbb{Z}^n,I)$ мукаммал алгебра, яъни, у тривиал марказли алгебра ва барча дифференциаллашлари ички эканлиги яхши маълум.

Теорема 16. Айтайлик $B(\mathbb{Z}^n,I)$ нол характеристикали майдон устида аниқланган $W_n(\mathbb{F})$ умумлашган Витт алгебрасининг Борел қисм алгебраси бўлсин. У ҳолда $B(\mathbb{Z}^n,I)$ алгебрасининг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида биз характеристикаси нол бўлган алгебраик ёпиқ $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган Вирасоро алгебрасини 2-локал дифференциаллашларини ўрганамиз.

W Витт алгебрасининг ягона бир ўлчамли нотривиал марказий кенгайтмаси $Vir=W\oplus\mathbb{C}\overline{c}$ Ли алгебрасига изоморф. Бунда $\{c\}\cup\{e_n\mid n\in\mathbb{Z}\}$ кенгайтманинг базиси, бу ерда $c\in\mathbb{C}\overline{c}$, шунинг учун қуйидаги муносабатлар ўринли:

$$[e_i,c] \quad =0, \quad \text{for } i\in\mathbb{Z},$$

$$[e_i,e_j] \quad =(i-j)e_{i+j}+\delta_{i,-j}\frac{1}{12}(i^3-i)c, \quad \text{for } i,j\in\mathbb{Z},$$

бу ерда $\delta_{i,-j}$ – Кронекер символи.

Кенгайтирилган Vir Ли алгебраси Вирасоро алгебраси дейилади.

Энди биз Вирасоро алгебрасида дифференциаллаш ва 2-локал диифференциаллашлари ҳақидаги натижаларни келтирамиз.

Теорема 17. Vir алгебранинг ҳар бир дифференциаллаш ичкидир.

Теорема 18. Вирасоро Vir алгебрасининг ҳар бир 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлади.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида биз чексиз ўлчамли Ли алгебрасида 2-локал дифференциаллаш бўлиб лекин (глобал) дифференциаллаш бўлмайдиган мисол келтирамиз.

Айтайлик чексиз ўлчамли Ли алгебрасида $\{e_n : n \in \mathbb{N}\}$ базис бўлиб, кўпайтиришлар жадвали қуйидагича бўлсин:

$$\mathcal{L}_1 : [e_1, e_n] = e_{n+1}, \quad n \geq 2.$$

$$\mathcal{L}_2 : [e_1, e_i] = e_{i+1}, \quad i \geq 2 \text{ ва } [e_2, e_j] = e_{j+2}, \quad j \geq 3.$$

Theorem 19. $\mathcal{L}_1$ ва $\mathcal{L}_2$ алгебраларида дифференциаллаш бўлмайдиган 2-локал дифференциаллаш мавжуд.

ХУЛОСА

Диссертация иши Лейбниц алгебраларида локал ва 2-локал дифференциаллашларни ўрганишга бағишланади.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Нол-филиформ Лейбниц алгебраларида барча 2-локал дифференциаллашларни дифференциаллаш эканлиги исботланган. Филиформ Лейбниц алгебраларида дифференциаллаш бўлмайдиган 2-локал дифференциаллашга мисол келтирилган. Нол-филиформ Лейбниц алгебраларида дифференциаллаш бўлмайдиган локал дифференциаллаш мавжуд эканлиги исботланган;

2. p-филиформ Лейбниц алгебраларида дифференциаллаш бўлмайдиган локал ва 2-локал дифференциаллаш мавжуд эканлиги исботланган;

3. Абел нилрадикалли, тўлдирувчи фазонинг ўлчами максимал бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларида иҳтиёрий локал дифференциаллаш дифференциаллаш бўлиши кўрсатилган. Абел нилрадикалли, бир ўлчамли тўлдирувчи фазоли ечилувчан Лейбниц алгебрасининг дифференциаллаш бўлмайдиган локал дифференциаллаши мавжуд эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу алгебраларнинг 2-локал дифференциаллашлари учун шунга ўхшаш масала ўрганилган ва дифференциаллаш бўлмаган 2-локал дифференциаллашларга эга ечилувчан Лейбниц алгебраларига мисол келтирилган;

4. Модел нилрадикалли, тўлдирувчи фазонинг ўлчами максимал, бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг ихтиёрий локал ва 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлиши кўрсатилган;

5. Умумлашган Витт алгебрасининг ихтиёрий 2-локал дифференциаллаши дифференциаллаш бўлиши исботланган. Юнқа Ли алгебралари

учун 2-локал дифференциаллашлар ўрганилган ва юпқа Ли алгебраларида дифференциаллаш бўлмайдиган 2-локал дифференциаллаш мавжуд эканлиги кўрсатилган.

SCIENTIFIC COUNCIL DSc.02/30.12.2019.FM.86.01
AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
in V.I. ROMANOVSKIY INSTITUTE OF MATHEMATICS

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

YUSUPOV BAKHTIYOR BAKHROMBEK UGLI

LOCAL AND 2-LOCAL DERIVATIONS ON LEIBNIZ ALGEBRAS

01.01.06- Algebra

ABSTRACT OF DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2020 year

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2018.2.PhD/FM230.

Dissertation has been prepared at National university of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website website http://kengash.mathinst.uz and in the website of “ZiyoNet” Information and educational portal http://www.ziyonet.uz.

Scientific supervisor:	**Ayupov Shavkat Abdullaevich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor, Academician
Official opponents:	**Arziqulov Farxodjon Nematovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences
	Kurbanbayev Tuuelbay Kadirbayevich Candidat of Physical and Mathematical Sciences
Leading organization:	**Termiz State University**

Defense will take place on “22” july 2020 at 9:00 at the meeting of Scientific Council DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at V.l. Romanovsky Institute of Mathematics (Address: Mirzo Ulugbek str. 81, Mirzo Ulugbek area, Tashkent, 100170, Uzbekistan, Ph.: (99871) 262-75-44, fax: (9987 l) 262-73-57, e-mail: kengash@mathinst.uz.)

Dissertation is possible to review in Information-resource center at institute of Mathematics named alter V.I. Romanovsky (registered for No. 104). (Address: Mirzo Ulugbek str. 81, Mirzo Ulugbek area, Tashkent, 100170, Uzbekistan, Ph.: (99871) 262-75-44).

Abstract of dissertation sent out on «18» july 2020 year
(Mailing report № 2 on «18» july 2020 year)

U.A.Rozikov
Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor

A.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees, C.F.-M.S.

A.R.Hayotov
Deputy-Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S.

Introduction (abstract of doctoral dissertation)

Actuality and demand of the theme of dissertation. A great amount of scientific and applied research in the world is focused to the theory of algebraic systems and operator algebras. Algebraic instruments are very useful in the study of elementary particles in quantum mechanics, the properties of solids and crystals, in the analysis of model problems of the economics, in the problems of population biology, etc. Since associative algebras defined by specific identity, have been considered when identifying properties of closeness with respect to the usual multiplication of square matrices, further development of algebras leads to the theory of alternative, Lie and Jordan algebras, which are very closely related to each others and have many connections with different areas of mathematics. Since Leibniz algebras are generalizations of Lie algebras, many results of the theory of Lie algebras have been extended to Leibniz algebras. One of the priority directions of research related to this subject is to prove analogues of theorems of the Lie algebras theory in the Leibniz algebras case and to investigate of the inherent properties of Leibniz algebras which are not valid for Lie algebras.

Nowadays in the world, along with the theory of derivation, the theory of local and 2-local derivations on operator algebras is also considered to be important. The last twenty years witnessed a fruitful growth of the theory of local and 2-local derivations on von Neumann algebras, C^*-algebras, and JB^*-triples. The studies on local derivations were formally started by R.V.Kadison and D.R.Larson and A.R.Sourour in 1990. The motivation to study local derivations have appeared in another context: the study of Hochschild cohomology for various operator algebras. These maps arise naturally when looking for sufficient conditions to ensure that a map is a derivation. R.V.Kadison set out a program of study for local maps, suggesting that local derivations could prove useful in building derivations with particular properties. R.V.Kadison proved that each continuous local derivation of a von Neumann algebra M into a dual Banach M-bimodule is derivation. This theorem gave way to a cascade of results and studies on derivations on C^*-algebras, culminating with a definitive contribution due to B.E.Johnson, which asserts that every continuous local derivation of a C^*-algebra A into a Banach A-bimodule is a derivation. In the just quoted paper, B.E.Johnson also gives an automatic continuity result proving that local derivations of a C^*-algebra A into a Banach A-bimodule are continuous even if not assumed a priori to be so. In 1997, P. Šemrl introduced the concepts of 2-local automorphisms and 2-local derivations and he described 2-local derivations and 2-local automorphisms on the algebra $B(H)$ of all bounded linear operators on the infinite-dimensional separable Hilbert space H by proving that every 2-local automorphism (respectively, 2-local derivation) on $B(H)$ is an automorphism (respectively, a derivation). Note that P.Šemrl states that the conclusion of the above theorem also holds when H is finite-dimensional. Later on, 2-local derivations on von Neumann algebras have been studied by Sh.A.Ayupov, K.K.Kudaybergenov, F.N.Arzikulov, S.O.Kim, J.S.Kim, O.B.Nurjanov and A.K.Alauadinov.

